

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2019-yil 27-iyun, payshanba 45 (9012)-son

web sayti: www.qishloqhayoti.uz

САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 июнь куни ҳудудларда саноатни ривожлантириш, бўш турган бино ва ерларда янги лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Аввал хабар берилганидек, 7 июнь куни бўлиб ўтган йиғилишда шу борадаги ишлар Андикон вилояти мисолида таҳлил қилинган эди. Бу гал Тошкент вилоятидаги мавжуд салоҳият ва ундан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент вилояти хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай ҳудуд. Барча шаҳар ва туманларда етарли электр энергияси захираси мавжуд. Асосий истеъмол бозорларига маҳсулот етказиб берадиган йўл инфратузилмаси ҳам яхши ривожланган.

Лекин вилоятнинг баъзи ҳудудларида аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан 2-3 баробар кам. Вилоят саноатида ҳудудий корхоналар улуши атиги 15 фоизни ташкил этади. Бўка, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Покент, Қуйи Чирчиқ каби туманларда саноат анчагина орқада қолган.

Жорий ой бошида давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятига

ташрифи давомида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган 40 триллион 300 миллиард сўмлик 800 га яқин лойиҳадан иборат дастур ишлаб чиқилган эди. Шундан 300 дан зиёдини саноат соҳасида амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, бу борада резервлар кўплигидан келиб чиқиб, Ҳудудлар саноатини комплекс ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳ томонидан яна 310 та қўшимча лойиҳа шакллантирилди.

Йиғилишда мазкур саноат лойиҳалари тақдироти ўтказилди. Унга кўра, июнь ойи бошида тасдиқланган Дастур билан биргаликда вилоятда 2019-2022 йилларда умумий қиймати қарийб 51 триллион сўм бўлган 636 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳалар доирасида 4,2 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш орқали саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 2, аҳоли

даромадларини 2,1 баробар ошириш кўзда тутилган. Бу 51 мингдан ортиқ доимий иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Йиғилишда ҳар бир лойиҳа тармоқлар, шаҳар ва туманлар, тижорат банклари кесимида ўшбу саноат лойиҳалари бўйича режа жадвалларини тасдиқлаб, уларни ўз муддатига ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Муҳим жиҳати шундаки, вилоят саноатини ривожлантириш бўйича тақлиф этилган лойиҳаларнинг 60 фоизи инфратузилмаси мавжуд, лекин бўш турган объектлар ва ер майдонларига жойлаштирилди.

Давлат активларини бошқариш агентлигига тегишли вазирлик ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда мамлакат бўйича самарасиз фойдаланилаётган барча бино ва ер майдонларини хатловдан ўтказиб, бўшайдиганларини тадбиркорларга аукцион орқали сотиш, ин-

вестиция мажбуриятлари билан "ноль" қийматда бериш ёки улар негизда кичик саноат зоналари ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Хусусийлаштирилган объектларни самарали ишлатиш борасида мулк эгаларида айрим муаммолар борлиги қайд этилиб, уларни ҳал қилиш бўйича тадбиркорларга кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари салоҳиятидан унумли фойдаланиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда жами 21 та эркин иқтисодий зона ва 150 та кичик саноат зонаси ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳудудиди қарийб 1 минг 700 та кичик корхона фаолият юритмоқда. Лекин айрим корхоналар муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан етарлича таъминланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21

июнда қабул қилинган "Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди мазкур зоналардаги шароитларни яхшилаш, мавжуд камчиликларни ҳал этиш йўллари белгилаб берилди.

Бу барча ҳудудлардаги, жумладан, Тошкент вилоятидаги кичик саноат зоналари учун ҳам айтиш мумкин бўлди. Бундан фойдаланиб, вилоятда саноатни изчил ривожлантириш, бўш объектлар негизда янги қувватларни ишга тушириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Мутасаддиларга шу тизим асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда саноатни ривожлантириш юзасидан қўшимча лойиҳаларни шакллантириш бўйича топшириқ берилди.

Бундан ташқари, йиғилишда тармоқлар ва ҳудудлар бўйича лойиҳаларни амалга оширишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати танқидий кўриб чиқилди. Жаҳон талаблари асосида рақобатбардош ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, маҳсулот ва хизматлар экспортини ошириш, логистикани янада ривожлантириш, янги бозорлар топиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Сирдарё вилояти ғаллакорлари биринчи марта 15 иш куниди 191 минг 387 тонналик ғалла хирмонини яратиб, давлатга дон сотиш шартнома режасини 100,4 фоиз қилиб бажардилар.

Сирдарёлик ғаллакорлар давлат билан ҳисоб-китобни эплашди



Вилоятдаги 1 минг 992 фермер хўжаликлари жамоалари ғаллакорлари 85 минг гектар майдонга ғалла уруғини қадаб, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширганликлари натижасида республикада иккинчи бўлиб зафар маррасини эгаладилар. Бу йилги ўрим-йиғим мавсумига 360 та комбайн жалб этилиб, 168 та отряд шакллантирилди. Мазкур отрядларда туман ҳокимликлари, ички ишлар бўлими ходимлари ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан 1 минг 638 нафар масъуллар қатнашди ҳамда 1 минг 416 та юк автомобилли, 103 та кўча устакона ва 114 та ёнилиги ташиш воситаси жалб этилди. Шунингдек, сирдарёлик фермерларнинг янги, замонавий комбайнлар билан таъминланганлиги, Хоразм вилоятидан ёрдамга келган 50 та дон ўрмиш техникасини тўла қувватда фойдаланилганлиги эришилган ютуқларнинг бош омилли бўлди.

– Ғалла ҳосилини етиштириш ва давлатга дон сотишда Мирзаобод, Сардоба ва Ховос туманларининг омилкор деҳқон ва фермерлари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. – дейди вилоят ҳокимлигининг қишлоқ хўжалик котибияти бошлиғи Исmoil Раҳмонов. – Айниқса, Бобвут туманидаги "Эзгу ният самараси", "Хумо ҳамкор" фермер хўжаликлари деҳқонлари ҳосилдорликни 80 центнерга етказдилар. Шунингдек, Сирдарё туманидаги "Ҳасан Чилтонов", "Эргаш Эшонқулов", Сайхунобод туманидаги "Шоҳиста Олимжонова", "Абдувоит ота" фермер хўжаликлари ғаллакорлари гектаридан 70-75 центнердан сара дон ўриб-йиғиб олдилар.

Дон хирмонининг барвақт тикланишига ҳозиргача мавсумда 100-120 тоннадан ғаллани ўриб-янчиб берган Хайридин Эшмуродов, Қаҳрамон Хўжамқулов, Қилич Дониёров, Бекзод Абдураулов сингари комбайн операторлари айниқса, баракали ҳисса кўшдилар. Уларнинг далалардаги шижоати туғайли вилоятда ҳар гектар майдондан ўртача 50 центнердан дон йиғиштириб олинди.

Далаларда ҳали ҳосил сероб. Ўз имкониятларини қайта чамалаб кўрган вилоят фермерлари ҳосилдорликни 55 центнерга етказиш учун ўрим-йиғим суръатини бўшаштирмайпалар. Ўзбекистоннинг ҳақиқат, ҳосилдан бўшаган майдонларга мош, шולי ва сабзавот экинларини жойлаштириш ҳам мақсад қилиб белгиланган.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунини

1 тоннадан зиёд гиёҳвандлик воситалари йўқ қилинди

Пойтахтимизда Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунини муносабати билан ҳамда гиёҳвандликка қарши курашиш ойлари доирасида ўтказилган тадбирда 1 тонна 27 килограмм 911 грамм гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди.



Отабек МИРСОАТОВ. (ЎЗА) олган сурат.

Тадбирда мутасадди идоралар ходимлари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Олим Нарзуллаевнинг қайд этишича, наркотик воситалар контрабандаси ва ноқонуний савдосига қарши курашиш халқаро аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётган. Бугунги кунда Ўзбекистон гиёҳванд моддалар билан боғлиқ таҳдидга қарши курашда мавжуд барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий имкониятлардан фойдаланилмоқда. Миллий қонунчилигимизда гиёҳвандликка оид жиноятларнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлиги, гиёҳвандликка чалинган шахсларни даволаш ва бошқа муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Наркобизнесга қарши курашишда БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон 1995 йилда ушбу конвенция ва наркотикларга қарши курашиш борасидаги бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилган. 2018 йилда гиёҳвандликка ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилди.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, 2018 йилда Афғонистонда кўкнор етиштириладиган майдонлар 263 минг гектарни, ишлаб чиқарилган опий миқдори – 6 минг 400 тоннани ташкил этган.

(Давоми 2-саҳифада)



Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат. (ЎЗА) олган сурат.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимизда 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган "Йилнинг энг фаол журналисти" республика ижодий танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан мазкур тадбирга турли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, барча турдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари, устоз журналистлар, талаба-ёшлар тақлиф этилди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, танлов ташкилий қўмитаси раиси Саъдул-

ла Ҳақимов ва бошқалар юртимизда миллий журналистика соҳасини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг ижодий, касбий салоҳиятини юксалтириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ом-

мавий ахборот воситалари ходимлари янада эркин, самарали ижод қилиши, халқимиз учун долзарб бўлган мавзуларни дадил кўтариб чиқиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Бугунги шиддатли ислохотлар даври соҳа ходимларидан янада фаол ва ташаббускор, изланувчан бўлишни, ўз истеъдодини Ватан, миллатимиз, жамият манфаатлари йўлида сафарбар этишни, фидойиликни, касбга садоқатни талаб этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК":

Қурилиш материаллари саноатига инвестициялар

Куни кеча "Ўзсаноатқурилишбанк" да "Инвестор кунини" дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятига бағишланган онлайн анжуман ўтказилди.

Қатор вазирлик ва идоралар масъуллари, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган анжуманда давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори мазмун-моҳияти, тадбир-

корлар учун кўзда тутилган имтиёз ва преференциялар хусусида ахборот берилди. Қайд этилганидек, ҳужжат билан маҳаллий экспортёр ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун экспорт

амалиётлари, солиққа тортиш ва божхона тўловлари борасида, шунингдек, лойиҳалар импорт орқали келтириладиган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни молиялаштиришда, соҳа корхоналарини электр энергия ва табиий газ билан таъминлашда белгиланган қатор энгилликлар кўзда тутилган.

Анжуманда ҳужжатда назарда тутилган қурилиш материаллари саноати соҳасидаги инвестиция

лоийҳаларига тижорат банкларининг хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳамда кафолат беришдаги имтиёзлар алоҳида тақдирот қилинди. Тақдирот "Ўзсаноатқурилишбанк" тизимида амалда бўлган чет эл кредит линиялари мисолида намойиш этилди.

Банк йирик корхоналардан тортиб, кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини хорижий кредит линиялари асосида молиялаштиришда қатор халқаро молия институтлари

ҳамда хорижий банклар билан ҳамкорлик келишувларига эга. "Credit Suisse" (Швейцария), "Raiffeisen Bank International AG" (Австрия), "Landesbank Baden-Wuerttemberg", "Commerzbank", "ODDO BHF", "KfW Iprex-Bank" (Германия), "Газпромбанк", "AK BARS Bank" (Россия), "Shinhan Bank" (Жанубий Корея) ҳамда Хитой, Туркия ва Жанубий Корея Эксимбанклари билан алоқалар самарали йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг январь-май ойлари давомида банк томонидан ушбу кредит линиялари ҳисобидан 150,4 миллион долларлик кредитлар ўзлаштирилди. Шунинг 34 миллион доллардан зиёд қисми кичик бизнес субъектларига ташқи савдони молиялаштириш мақсадларига йўналтирилди.

Банк Ахборот хизмати.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида пишиб етилган ғаллани ўриб-йиғиб олиш ишлари авж паллага кирди. Кун сайин давлатга дон сотиш режасини ортиги билан уддалаган туман ва вилоятлар сони ортиб бормоқда. Етиштирган донининг салмоғи ҳар йилгидан зиёд тош босаётган бободехқоннинг кайфияти ҳам шунга яраша. Бу йил наманганлик ғаллакорлар ҳам ҳар йилгидан мўл ҳосил етиштирди. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Тоҳиржон Рапиқов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

– Вилоятимизда қишлоқ хўжалигининг барча соҳасида, шу жумладан, ғаллачилик йўналишида ҳам бой тажриба тўпланган. Шу боис, ҳар йили экиш мавсуми олдидан мавжуд майдонлар ёввойи ўт, хас-хашак, тошлардан тозаланади. Дала четларида бирор қарич ер бўш қолиб кетишига йўл қўйилмайди. Бу соҳада тажрибага эга фермерлар даласида, етук мутахассислар иштирокида амалий семинарлар ўтказилиши, унинг иштирокчиларига зарур қўлланмалар тарқатилиши йўлга қўйилган. Қолаверса, уруғ ҳар бир туманининг ер тузилишидан келиб чиқиб танланаётгани, ерга белгиланган миқдорда минерал ўғитлар солиниб, экилаётгани, сугоришда "шарбат" усулидан кенг фойдаланилаётгани ўз самарасини бераётди.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 сентябрдаги "2019 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари навларини жойлаштириш ва бошоқли дон етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида" ҳамда 2018 йил 27 ноябрдаги "Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш, бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида кенг қўлама тарғибот ишлари олиб борилди. Қарорда етиштирилган 3-синфга мансуб доннинг ҳар бир тоннаси учун кафолатланган харид нархининг 2018 йилга нисбатан 1,6 мартага оширилгани, 1 тонна дон нархи 1 миллион 200 минг сўм қилиб белгилангани, сугориладиган

Судьялар олий мактабда БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамкорлигида замонавий кадрлар тайёрлашда янгича услубларни амалиётга жорий этишни аҳолига бағишланган уч кунлик семинар иш бошланди.

Судьялар лаёқатини шакллантиришга янгича ёндашувлар

Адолат кўргони ҳисобланган суд тизимининг мустақиллиги ва мустаҳкамлиги, табиийки, кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ. Шунинг учун ҳам суд-ҳукм соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида судьялар малакасини ошириш, уларнинг билим ва тажрибасини бойитиб, замон билан ҳамнафас кадрлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Судьялар ва суд аппарати ходимларининг лаёқатлигини шакллантириш ва ривожлантириш мавзусида ўтаётган семинар БМТ Тараққиёт дастури (UNDP) ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

Мазкур тренинг машғулотда Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари, ходимлари, "Қонун устуворлиги соҳасида дарс машғулотларини самарали ўқитишнинг замонавий шакллари, педагогик, инновацион, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ташкил этишда ушбу тақлифларнинг аҳамияти юксак.

Семинар натижаларини келгусида олий мактабда ўқитиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири.



Наманганнинг ғалласи...

майдонларда етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорлигига қараб харид далаларида 25 фоизгача устама нарх жорий қилинган, дон етиштириш харажатлари учун давлат харидига етказиб бериладиган қийматининг 100 фоизгача йиллик 5 фоиз миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши, яқиний ҳисоб-китоблар 2019 йилнинг 1 сентябрга қадар тўлиқ тўланиши жорий этилгани ва сугориладиган 1 гектар майдондан 40 центнердан кам ҳосил олинган ҳолатда "Ерга нисбатан хиёнат деб баҳолашиб", фермер хўжалиги билан ер ижара шартномаси бекор қилиниши барчага катта масъулият юклатди.

Вилоят бўйича жами 75 миң гектар майдонга кузги бошоқли дон уруғлари асосан, 30 та янги келтирилган экиш мосламаларида белгиланган муддатда экилди. Ишчи гуруҳлари назорати остида мавжуд майдонларга эртаги "Бобур", "Чиллаки", "Асп", "Анджон-4", ўртаки "Таня", "Гром", "Первица", "Анджон-2", "Давр", "Краснодарская-99" ва бир қатор янги навлар экилиб, қатъий агротехника талаблари даражасида парвариш қилинди. На-

тижада вилоятдаги 2017 та ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари далаларида контрактация шартномасида белгиланган 212 миң 900 тонна товар дон, 231 миң 650 тонна уруғлик донни ортиги билан қоплайдиган даражада мўл-кўл ҳосил яратилди.

Ғалла ўримида пухта ҳозирлик кўрилгани боис, мавжуд ҳосилни тез, сифатли, нест-нобуд қилмасдан ўриб олиш, қабул қилиш омборларига топшириш ишлари жадал олиб борилаётди.

Мавжуд 278 та "Кейс", "Класс", "Вектор", "Лида" русумли комбайнлар билан кунга 2500-3000 гектар майдондаги ҳосил ўриб олинмоқда. Уларга хизмат кўрсатаётган 1456 та юк машиналари кечаю-кундуз ҳосилни ўз вақтида, нобудгарчиликсиз омборларга етказилишини таъминлаётди. Ғалла ўримида қатнашаётганларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Чарчоқ ёзиш учун махсус вагонли уйлар ташкил қилинган. Нонушта, тушлик ва кечки овқатлар даладан ўзида сифатли тайёрланиб, витаминларга бой мева, сабзавотлар билан тортилмоқда. Ғолибларга вилоят

ҳокимининг совғалари санъат ва ижод аҳли иштирокида тантанали топирилиши йўлга қўйилган.

Кунлик суръатда Мингбулок, Поп, Норин, Наманган туманлари ғаллакорлари пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Мамадали Мирзақуллов, Махсудали Раҳмонов, Нодиржон Собитов, Хусниддин Эгамов, Бахтиёр Холмирзаев каби комбайн ҳайдовчилари кунга 10-12 гектардан ошириб ғалла ўришга муваффақ бўлишяпти. Инновацион технологиялардан унумли фойдаланиб деҳқончилик қилаётган "Эркул" УБ, "Оқ дала Мардона", "Нурли дийёр зар толаси", "Санг НГМ", "Шарқ замин ёдуси" фермер хўжаликларига яқиний кўрсаткич 80-90 центнердан ортиб кетди. Хилофатимизда шу кунгача ўртача ҳосилдорлик 55-60 центнердан ташкил қилмоқда. Қирқ фоизгача ғаллазор фермерлар тасарруфидан қолаётди. Бу эса шартномавий режаларини ортиги билан бажариш арафасида турган наманганлик ғаллакорлар учун жорий йил баркали келаётганидан далолатдир.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ
суҳбатлашди.

Жандачилик У ҳақда биласизми?

Сурхондарёнинг, хусусан, Бойсун тарафларининг жозибадор гиламлари, жандалари дунёга машҳур. Тарихга назар солсак, ушбу жанда материали кўпроқ Бойсунда тўқилган экан. Ушбу аънанани бугунги кунда ҳам давом эттираётганлардан бири жандачиликнинг олтинчи авлоди Бойсун тумани Тоқчи маҳалласида истиқомат қилувчи Назокат Собировадир.



– Жандачиликка қизиқиш қачондан бошланган? – сўраймиз ундан.

– Тўқувчиликка қизиқишим олти ёшимдан бошланган. Ушундан бери Сурхон, Бойсун – Кўнғирот гиламларини ҳам тўқиб келаман. Ўн икки ёшимдан эса, мустақил иш бошла-

ганман.

– Билишимизча, сизнинг аждодларингиз ҳам хунарманд бўлган?

– Бутун аждодларимиз хунарманд бўлишган. Биринчи ойим Гул момо, Турдихол момо, Майрам момо, онам ва мен шуғулланиб келмоқдамиз. Эндигина ўнга кирган

Сурхондарё ВИЛОЯТИ

жияним ўзи учун жандадан сўмакча тикиб олди. Бундан кўриниб турибдики, бу хунаримиз ҳали ҳамон давом этар экан.

Назокат 2012 йили "Келажак овози" кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби бўлди. Қолаверса, "Ишбилармон талаба" кўрик-танловида ҳам фахрли биринчи ўринни олиб, бир йиллик стипендияга эга бўлди. 2014 йилдан ҳозиргача Бухорода бўладиган халқаро Ипак ва зираворлар кўрик-танловида ғолиб бўлиб келмоқда. "Олтин кўл" хунармандлар танловида ҳам ғолиб бўлган. 2017 йили Термиз шаҳрида "Миллийлигим – фахрим менинг" номли шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмага ташириб буюрган инсонлардан юксак эътирофлар эшитди. Бу эса унга ўзгача гурур, ифтихор бағишлади. Уша кўргазмадан сўнг ишчилари сони ошди. Ҳозирда тўрт нафар ёрдмчи ва қирққа яқин шогирдлари бор.

Қаҳрамонимиз жандаличиликдан ташқари миллий гиламлар тўқиш билан ҳам шуғулланади. Ҳозирда гиламлар ва жанда билан уйғунлашган сўмаклар тикмоқда. Бу эса нафақат сайёҳларни, балки, юртимиз аҳолисини ҳам қизиқтирмақда. Келажакда бундай миллий матодадан тайёрланган кийимлар, буюмларни экспорт қилиш ниятида.

Кумуш ҲАМРОЕВА

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Шу билан бирга ҳолислик, тезкорлик, ислохотларнинг мазмун-моҳиятини одамларга теран, таъсирчан тарзда тушунтириш, касбий маҳорат журналистларимиз фаолиятининг энг устувор жиҳатларига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан бир неча йилдан буён аънавий ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" ижодий кўрик-танлови соҳанинг фаол ва фидойий ходимларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, журналистларни янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Танловда иштирок этиш истагида мамлакатимизнинг барча турдаги оммавий ахборот воситаларининг 200 нафарга яқин ходимидан қўллаб ижодий ишлар келиб тушди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан ижодий ишларнинг долзарблиги, мавзунинг юксак даражада профессионал ёритилгани, ижтимоий аҳамияти, журналистнинг фаол фуқаролик позициясини намоян эта олиши каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди. Улар орасидан ижодий ишлари энг яхши, деб топилганларга танловда ғолиб ва совриндорлик насиб этди. Эътиборга молик жиҳати, ғолиб ва совриндорлар орасида барча турдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари бор. Шу билан бирга, юртимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасида аҳиллик, бағрикенглик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мавзусини фаол ёритаётган журналистлар ҳам Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Миллатлараро муносабатлар ва хоржий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг ташақкурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Бундай танловда ғолиб бўлганимдан

ғоят мамнунман, – дейди "Ўзбекистон 24" телеканали катта муҳаррири Навбахор Каримова. – Бугун юртимизда кечаётган ғоят шиддатли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, халқимиз, жамиятимиз ҳаётида кечаётган туб ижобий бурилиш даврини борица акс эттириш журналистлардан катта билим, маҳорат, ғоят тезкорлик, замон билан ҳамнафас бўлишни талаб этмоқда. "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови бу борадаги изланишларимизни қўллаб-қувватлашда, ўз фаолиятимизга теран нигоҳ билан, чуқур таҳлилий назар ташлаш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

– Бугунги даврда кечаётган улкан ўзгаришлар олис ҳудудларда ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси катта муҳаррири Гўзал Якудаева. – Ана шу ўзгаришлардан илҳомланиб, Мўйноқ туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёни ва Орол муаммосини баргараф этишга бағишланган туркум эшиттиришлар тайёрланди. Кечаётган ўзгаришларга ҳамнафас, ҳамқадамлик, билдирилаётган юксак ишончга муносиблик масъулиятини ҳис этиш бугунги кун журналисти зиммасидаги асосий вазифадир. Бу каби танловлар ижодий парвозимнинг тобора юксак бўлишига хизмат қилади.

Тадбирда "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига эсдалик совғалари ва дипломлар тантанали равишда топширилди. Танлов иштирокчилари миллий журналистикамизни раванг топтириш йўлида кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

1 тоннадан зиёд гиёҳвандлик воситалари йўқ қилинди

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотига кўра, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2018 йилда 4 миң 779 наркотиқнинг фоти этилган. Улардан ярмини наркотик моддаларни ўтказиш-сотиш ташкил қилган бўлса, қолганлари контрабанда, гиёҳвандлик ўсимликларини етиштириш, банги-хоналар ташкил этиш ва бошқа турдаги жиноятлардир. Шунингдек, ўтган йил республикада гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишида бўлган 1 тонна 172 килограмм миқдордаги наркотик моддалар мусодара қилинган.

Ўзбекистонда 2018 йилда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни амалга оширилганлиги учун ушланган шахсларнинг 46 тасини чет эл фуқаролари ташкил этди. 2018 йил 4 июнь кунин Сурхондарё вилоятида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Афғонистон фуқароси 37,5 килограмм опий моддаси билан қўлга олинган. 2018

йилнинг 5 декабрь кунин Навоий вилоятининг Хатирчи туманида 9 килограммдан зиёд опийни 60 миң АҚШ долларига сотмоқчи бўлган Тожикистон фуқароси ушланди.

Бош прокуратура томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари тергов олиб борган наркотик воситалари билан боғлиқ 3 миң 643 жиноят иши назорат тартибидеги ўрганилган. Судлар томонидан 3 миң 691 шахсга нисбатан наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласига оид 2 миң 876 жиноят иши қўриб чиқилган. Мамлакатимизда амал қилаётган тартибга мувофиқ, судда ашёвий далил сифатида ўтган гиёҳвандлик воситалари ҳукм қонуний кучга киргач, махсус печларда ёқиб юборилади.

Диспансер рўйхатида турадиган гиёҳванд беморлар сони 1 миң 894 тага камайиб, 6 миң 142 тани ташкил этди. Гиёҳвандлик структурасида каннабис гуруҳидаги наркотик моддаларни истеъмол қилувчиларнинг сони 4 миң 169 тани ташкил қилди. Героин истеъмолчиларининг сони 2,3 баробарга қисқарган.

Наркотик моддаларга қарши курашувчи мутасад-

ди идоралар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 2018 йил июнь ойида Япония ҳукумати томонидан молиялаштирилган ва БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бошқармасининг Марказий Осиё давлатлари учун 2015-2019 йилларга мўлжалланган Минтақавий дастури доирасида Идораларо мобил гуруҳлар ташкил этиш орқали Ўзбекистонда афғон наркотикларига қарши курашиш лойиҳаси иш бошланди.

2018 йилнинг 14-22 март кунлари Австриянинг Вена шаҳрида БМТ Наркотик моддаларни назорат қилиш халқаро комиссиясининг 62-сессияси доирасида республикамиз ҳукумати ташаббуси билан наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Ўзбекистон тажрибаси ва бу соҳадаги минтақавий ҳамкорлик мавзусида параллел йиғилиш бўлиб ўтди. Шу йилнинг 2-3 май кунлари Тошкентда Марказий Осиёда наркотиклар устидан назорат қилишда минтақавий ҳамкорлик бўйича англашув Меморандумига аъзо давлатларнинг 11-учрашуви ўтказилди.

Нурullo НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Ҳам хунармандчилик, ҳам тадбиркорлик

Марғилон азалдан хунармандлар юрти бўлиб келган. Бу муаззам заминда уста хунармандлар томонидан тайёрланган нафис буюмлар қадимдан етти иқлимда машҳурдир. Марғилонлик хунарманд Насибахон Эргашева ҳам моҳир хунарманд, ишининг кўзини биладиган тадбиркорлардандир. У хунармандлар оиласида туғилиб, вояга етган. Шу боис, гарчи олий таълим олиб, ўқитувчилик касбини эгалласада, хунармандликнинг бошини тутди.

Насибахон Эргашева яқка тартибда иш бошлаб "Ўзбегим адраслари"ни ишлаб чиқаришга киришди. Аввал маҳалласидан беш-олти, кейин етти-саккиз нафар хунармандлар унинг атрафида бирлашиб, адрас ва атлас матоларини тайёрлай бошлади. Бора-бора уларнинг сафи ортиб, ўттизга яқинлашди. Тўқинга матолари сифати билан ажраллиб турадиган бўлди.

– Бир сафур Бухоро шаҳрига борганимда "Лаби ховуз" атра-

фида юрган чет эл сайёҳларига кўзим тушди, – дейди Насибахон. – Улар тайёр кийимларни севиб, харид қилишяпти. Кийимларнинг матолари асосан бизнинг Марғилонда тўқилган. Менда шу нарсаларни ўзимизда ҳам тикишни ташкил қилсак ва биз томонларга ҳам туризм йўли билан хорж сайёҳларини жалб қилсак бўлармикан, деган фикр туғилди. Уша ерда юртимга борсам, албатта, миллий либосларни чет элликлар

боп қилиб тикишни ташкил қиламан, дея ният қилдим. Орзуларим ушалди, либослар турини кўпайтириб, хоржиклар суйган андозаларда либослар тика бошладик. Чеварларимиз миллий либосларимизнинг 30 дан ортқ турини ўзлаштириб, тика бошладиклар. Кейинги пайта бу билан қаноатланмасдан, яна янгиларини яратиш устида тинмай иш олиб бордик. Ҳозир қўшни Қирғизистон ва Тожикистондан ҳам мижозлар келишяпти ва тай-



ёр махсусотларимизни харид қилишга келишяпти. Баъзан уларнинг тақлифларига мувофиқ, ўзимиз етказяпмиз.

Хунармандлар сулоласига мансуб она ва унинг фарзандлари, ўзлари раҳбарлик қилаётган

тўқувчи ва тикувчилар билан бирга шу йил сентябрь ойида Қўқон шаҳрида бўладиган Халқаро хунармандлар фестивалига пухта тайёрларлик кўряпти.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Давлат хизматларидан фойдаланиш самараси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Давлат хизматлари маркази томонидан ҳам кенг қамровли ишлар олиб бориляпти.

Ҳозирда аҳолидан тушаётган мурожаатларни тез ва интерактив тарзда ҳал этиш, одамларни узоқ куттириб қўймай, зарур маслаҳатларни бериш, қулайлик ва афзалликлардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Албатта, аҳоли ўртасида кенг ҳажмда тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб бориляпти. Чунончи, фуқароларга озғак маслаҳатлар бериш билан биргаликда, маҳалларда учрашувлар ташкил этиб, ОАВларда чиқишлар қилинди. Энг муҳими, одамлар эндиликда давлат хизматлари марказининг афзалликларини тушуниб етмоқдалар. "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади", деган қоида ўзининг амалий ифодасини топтоқда.

Айтиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг "Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул

қилиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тизimini такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорининг қабул қилиниши айна мудида бўлди.

Шунга мувофиқ тарзда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тизimini такомиллаштириш мақсадида назарда тутилган муддат давомида давлат хизматларидан фойдаланиш учун Марказга мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси



публикаси ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП)да рўйхатдан ўтади.

Қарорда кўрсатилишича, зарур маълумотлар расмийлаштирилиб, киритилган сўнг Давлат хизматлари маркази ходими абитуриентга асл ҳужжатларни қайтарди. Абитуриент маълумотларнинг тўғрилгини текшириб, сўровномани ўз имзоси билан тасдиқлайди, бир нусхасини ўзида олиб қолади ва иккинчи нусхасини Марказ ходимига

беради. Сўровнома абитуриентнинг имзоси билан тасдиқлангандан сўнг Давлат тест марказининг тизимига автоматик тарзда киритилади.

Умуман олганда, бундай тизимнинг йўлга қўйилиши энг аввало, ортиқча сарф-харажатларнинг, овозрагарчиликларнинг олдини олади ҳамда ҳар бир абитуриентга муҳим қулайлик туғдиради.

Муҳиддин ТУРДИБОЕВ,
Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ДХМ директори.

Жорий йилнинг ўтган даврида Миробод туманида 11 та ёнғин содир бўлиб, уларнинг биттаси қасддан ўт қўйиш, 4 таси электр симларининг қисқа туташуви, 2 таси иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш, яна 2 таси ёш болаларнинг олов билан ўйнаши, 1 таси машиш электр воситаларидан фойдаланишда эҳтиётсизлик ва қозонда ёнғин унутиб қолдирилиши натижасида рўй берган.

Ҳушёрлик - хотиржамлик гарови

Ёнғинларнинг олдини олиш борасида туман ҳудудда яшовчи фуқаролар билан мунтазам равишда профилактик суҳбатлар олиб борилишига қарамасдан, айрим фуқаролар масалага бепарво бўлишяпти. Натижада кўнгилсиз ҳолатлар рўй бермоқда.

Масалан, 8-март кўчаси 110-уйда яшовчи фуқаро А.В. фарзанди, 2017 йил туғилган А.Б. ни уйда ёлғиз қолдириб, тушлик тайёрлаш мақсадида ошхонага чиқиб кетади. Орадан бир неча дақиқа ўтганидан сўнг фарзандининг бақриб қақирган овозини эшитиб югуради ва бориб уйнинг ички қисми ёнаётганини кўради. Шу заҳоти ёнғин хавфсизлигига хабар беради. Ўт ўчирувчилар воқеа жойига тезда етиб бориб, офатни бартараф этишди. Текширув давомида ёнғин 2017 йил туғилган А.Б нинг гуғурт ўйнаганига натижасида содир бўлганлиги аниқланди.

Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,
Миробод тумани ЕХБ инспектори, сержант.

Пахта теримида қўл меҳнати камаяди

Олимлар бу борада амалий ишга қўл урдилар

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган грантлар танловида "Пахта майдони агрофони шакллантириш ва кластер асосида пахта хомаиёсини машина орқали бир теримда йиғиб олиш учун техник воситаларнинг таянч тўпламини ишлаб чиқиш" лойиҳаси иштирокчи бўлиб, унинг асосий қисмида қабул қилинди. Лойиҳа келуси икки йилда бажарилиши режалаштирилиб, унга 3,3 миллиард сўм маблағ ажратилди.

— Лойиҳадан кўзланган мақсад, пахтачи тез ва сифатли етиштириш ва териб олишдир, — дейди лойиҳа раҳбари ўринбосари, профессор Анвар Ризаев. — Албатта, бу жараёни бир


қанча техник воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундан илгари, агротехника машиналари Ўзбекистонга чет давлатлардан келтирилган. Бу катта маблағни ташкил этади, албатта. Қо

лаверса, ҳар бир машина ўша мамлакат климат ва деҳқончилигига мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга пахта териб олиш машинаси учун махсус воситалар керак бўлади. Уни тозалаш, пахтачи сифатли териши учун доим техник воситани сошлаб туриш керак. Бу қўшимча маҳсулотлар ҳам катта харажатларни ташкил қилади. Биз яратмоқчи бўлган машина улардан камда 3, 5 баробар арзон бўлади. Лойиҳага кўра, бир неча

пахта териш машиналари Ўзбекистонда тайёрланади. Бунинг учун 11 та ташкилот масъул этиб тайинланган.

Маълум қилинишича, лойиҳада кўрсатилган прототип машиналар амалда синаб кўрилган ва яхши натижани қайд этган. Энди уни кенг далага тартиқ қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

— Олдимизга қўйган олий мақсадимиз, пахта теримида қўл меҳнатини бартараф этиш. Қатор мамлакатлар машинада териш



усулига аллақачон ўтишган. Биз яратмоқчи бўлган машиналар ҳам замонавий териш усулларидан ишлайдиган кучга эга бўлади. Қолаверса, яратилажак машиналарни экспорт қилиш ҳам кўзда тутилган. Яқин икки йил ичида пахта санаятида катта ўзгаришлар бўлишидан умидворимиз, — дейди Анвар Ризаев.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

✓Эълон

Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққати!

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

ТАКРОРИЙ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 24 июндаги 678-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзақ туманида жойлашган, умумий майдони 5600,00 кв.метр, қурилиш ости майдони 839,33 кв.метр, савдо расталари, автотурагоҳ 6 литердан иборат, 1 қаватли "Акмангит деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 2 588 432 765 сўм.

2. Фарғона вилояти, Фарғона туманида жойлашган, умумий майдони 10400 кв.метр, қурилиш ости майдони 2676,95 кв.метр, бетон майдони 2218,0 кв.метр, асфальт майдони 2478,85 кв.метр, 6 та литердан иборат, 1 қаватли "Водил деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 4 883 065 731 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 5 июль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 5 июль куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2019 йил 8, 11 июль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

✓Қутлов

Картошка етиштирувчилар уюшмаси жамоаси

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан жамиятнинг қайноқ нуқталарида турувчи касб вакиллари бўлган заҳматкаш журналистларни самимий муборакбод этади.

Бугун ахборот асрида яшаяпмиз.

Кунлик ишларимизни ҳам эрталабки янгиликлар билан танишиб, кейин режалаштиришга ўргандик. Шу боис, дунёни ахборот бошқаряпти, десак муболага бўлмайди. Ҳар сонияда одамларни дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган воқеалардан хабардор қилиб, давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган сиёсатини ҳолисона тарғиб қилаётган қалам аҳлини касб байрами билан табриклаймиз, уларга ижодий парвозлар тилаймиз!



АТБ "ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК":

Омонатга хиёнатсиз фаолият

Бугунги кунда мазкур банк томонидан аҳоли учун йиллик 22 фоизгача омонатлар таклиф этилмоқда.

Яқинда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан Миллий матбуот марказида "Жисмоний ва юридик шахсларга таклиф этилаётган омонат турлари, шартлари ҳамда банкнинг инвестициявий фаолигини оширишда жалб этилаётган омонатларнинг ўрни" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида молия муассасасининг бу йўналишда эришаётган ютуқлари ва келгусидаги режалари ҳақида маълумотлар берилди.

Хусусан, бугунги кунда акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан аҳоли учун йиллик 21 фоизлик омонатлар таклиф этилаётган. Таъкидлаш жоизки, миқозларга ушбу омонатга онлайн тарзда жойлаштирилган пул маблағлари учун йиллик 22 фоизгача тўловлар амалга оширилмоқда.

Тизимда амалга оширилаётган ишлар натижасида 2019 йилнинг ўтган 5 ойи давомида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"да жами омонатчилар сонини 98 800 дан 104 600 га етди. Омонатлардаги маблағлар қолдиги 610,1 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этмоқда. Аҳолининг бандаги омонатларда қолдиги йил бошига нисбатан 64,7 миллиард сўмга ёки 112 фоизга ўсди.

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини бандаги омонатларга янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига 26 та омонат турига маблағлар жалб этилган бўлиб, шулардан 19 таси миллий валютада, қолган 7 таси хорижий валютадаги омонат турларидир. Банкнинг узоқ муддатли (1 йилдан ортиқ сақланадиган) омонатлар қолдиги 2019 йилнинг 1 июль ҳолатида қарийб 293 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда банк филиалларига узоқ муддатларга омонат маблағлари жойлаштириш сарасаси ҳам кенгайиб бормоқда. Бунинг учун молия муассасаси ўзининг қулай хизматлари сифати ва сонини ошириб бораётган. Жумладан, филиалларда муддатли ва жамғармали омонатга минимал миқдордан юқори маблағ жойлаштирилган омонатчига банк пластик карталари бепул тақдим қилинмоқда. Бундан ташқари, омонатлардаги маблағларни масофадан бошқариш имкониятини берувчи "Депозит банкинг" хизматига уланиш ва фойдаланиш ҳам омонатчиларга бепул этиб белгиланган. Ушбу масофавий дастур орқали жойлаштирилган омонатларга шартнома суммасидан 1% юқори фойз тўлов амалга оширилиши ҳам йўлга қўйилган. Омонатлардаги маблағларнинг ишончли ва хавфсиз сақланишини таъминлаш мақсадида "Биометрик идентификациялаш" тизими (бармоқ изи орқали) жорий қилинди. Баъзи шароитларга кўра, муддатидан олдин қайтариб олинган омонатларга уларнинг ҳақиқатда сақланган муддатларига мувофиқ фойз тўловларини амалга ошириш ва бошқа қулайликлар яратилган.

Ўз мухбиримиз.

✓Эълонлар

Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққати!

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 20 июндаги 671-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Сурхондарё вилояти, Қизилқир туманида жойлашган, умумий майдони 5600 кв.метр, қурилиш ости майдони 3560,0 кв.метр, 9 та литердан иборат, 1 қаватли "Бандхон деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 2 523 133 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 29 июль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 29 июль куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2019 йил 2, 6 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси; - жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.


Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Юнус Раҳимов номиди Тошкент Педагогика коллежи томонидан Насибовна Нусибулло Хамидовичи номда 2015 й.да берилган К.И.4021351 давлатий диплом йўқотганини сабабли бекор қилинади.
Олмазор т. ДХМ томонидан 2019 й. 07 май куни 001233-55 раёсат раёсати билан айта тутилганда унинг "OLX.MA-PLAST" (СТИР 208112789) МФЖ устаси фонди 250 068 912 (икки юз эллик миллион эллик савдо миқ. тўрақ юз й. икки) сўмдан 198 000 000 (бир юз тўрттинчи миллион сўм) қолдирилди. Мувофиқ учун тел. (499867) 770-25-21.
Тошкент ш. Раҳимов т. ТСРЙ томонидан 2007 й. 25.12. да 3420-10 раёсат раёсати билан рўйхатдан ўтган Тошкент ш. Раҳимов т. Бобур кўч. 77-уйда жойлашган "INTERTRA TRADE" МФЖ (СТИР 208942197) ўз устаси фонди 56 869 800 сўмдан 4 000 000 (тўрт миллион) сўмга қамқатганини мълум қилди. Тел: (80) 167-10-93.
2019 й. 03.05. да 719187 раёсат раёсати билан Тошкент ш. Ултра т. ДХМ томонидан рўйхатдан ўтган "COMFY CARGO" МФЖ (СТИР 305382128) тузилди.
Сирдарё ви. Сердар ш. хромилни ТСРЙ томонидан 2019 й. 15 август куни 284 раёсат раёсати билан рўйхатдан ўтган "YATO VOSTOK SERVICE" (208537828) МФЖ номда раёсат раёсатидан ту. вулонов ҳамда дуалот мулк ва бур-ам таммаси йўқотганини сабабли бекор қилинди.
Тошкент Ташкилот транспорт кўч-хўрар кўлиги томонидан 2015 й.да Иброҳимов Маъруфнинг Назаржон Улугбек Бекматов К.И.4029813 давлатий диплом йўқотганини сабабли бекор қилинади.
"GLOBTRANS-BAT" МФЖ ўз устаси фонди 1 150 000 000 (бир миллиард бир юз эллик миллион) сўмга қамқатганини ва ўз фонди 881 748 000 (септи юз савдо миқ. бир миллион эллик юз тўрттинчи сўм) таъкил этилиши мълум қилди.

"FERON LEASING" МЧЖ лизинг компаниясига тегишли бўлган, давлат рақами 01/180 ОСА ЛАСЕТТИ русумли автомашинасининг бозор баҳоси аниқланганлиги сабабли сотилаётганлиги тўғрисида маълум қилади. Тел.: 150-40-30, 150-40-29.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ ШОЛЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ


27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан соҳа вакилларини, фидойи ва жонкуяр журналистларни самимий табриклайди. Мамлакатимизнинг тараққиёти ва дунёга юз тутишида журналистларнинг муносиб ҳиссаси бор. Улар тарқатаётган ҳар бир хабар юрт ривожига ҳисса қўшиши шубҳасиз. Доим қаламингиз ўткир, фикрингиз теран бўлишини, масъулият ва машаққатли касбингиздан бахт топишингизни тилаб қоламиз!




“Ўзагротехсаноатколдинг” акциядорлик жамияти тизимидаги
“ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ”
 акциядорлик жамияти

қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.



Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.



Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри Буюк Ипак йули кўчаси 434-уй.
 Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71)264-08-12, (71)264-77-48. Info:@ TZST.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

✓ **Реклама**



Куну-тун: 71-280-00-71
 promzona.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

TTZ-LS 138, TTZ-LS U62
 мини тракторлари

**йилига 2%дан
 лизингга**

Хизматлар лицензияланган

ТОГЛАР МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирил экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- “Беларусь” тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар



Маҳсулотлар сертификатланган. Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz



ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
 КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.



СПЕШИТЕ ПРИОБРЕСТИ СОВРЕМЕННУЮ ТЕХНИКУ!!!

<p>651 300 000 сум 254 300 000 сум</p>  <p>КАМАЗ 5490 (NEO)</p>	<p>439 300 000 сум 520 300 000 сум</p>  <p>КАМАЗ 5460</p>	<p>480 000 000 сум 580 000 000 сум</p>  <p>КАМАЗ 6460-26001</p>	<p>436 000 000 сум 505 000 000 сум</p>  <p>КАМАЗ 6460-001</p>
<p>201 800 000 сум 224 800 000 сум</p>  <p>Шторно-тентовый полуприцеп 92 м³</p>	<p>377 700 000 сум 527 700 000 сум</p>  <p>Полуприцеп-рефрижератор 83 м³</p>	<p>200 000 000 сум 208 000 000 сум</p>  <p>Прицеп шторно-тентовый 50 м³</p>	

ООО "I-Son Avtokorxonasi" тел: +99 897 447-88-39

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси илмий-ишлаб чиқариш маркази академиги
 Шукур ИБРАГИМОВнинг вафоти муносибати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти жамоаси устоз мураббий, академик
 Шукур ИБРАГИМОВнинг вафоти муносибати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси илмий-ишлаб чиқариш маркази ходими Турдимурот Норматовга онаси
 Холида ҲАЙИТОВАнинг вафоти муносибати билан таъзия изҳор этади.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси
 Вазирлар Маҳкамаси
 таркибидagi ҳамда бошқа
 дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ,
 Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ,
 Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
 Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
 Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
 Иجتимой-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
 Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
 web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04
 Вилоятлар:
 Андижон – (+99893) 630-73-03;
 Бухоро – (+99891) 401-29-59;
 Жиззах – (+99893) 940-10-78;
 Навоий – (+99891) 332-50-99;
 Наманган – (+99893) 948-53-86;
 Фарғона – (+99890) 407-76-03;
 Самарқанд – (+99897) 575-50-67;
 Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
 Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
 Тошкент – (+99890) 976-39-58;
 Хоразм – (+99897) 790-47-61;
 Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда
 № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
 Буюртма Г-625, ҳажми 2 босма табоқ,
 Офсет усулида босилди, қроғоз бичими А-2.
 Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
 Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва
 дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.
 5 992 нусхада chop этилди.
 НАШР ИНДЕКСИ – 144
 Босишга топшириш вақти: 21.00
 Босишга топширилди: 00.55

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
 А.ҲАҚБЕРДИЕВ